

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДЖАЛАЛОВ ТЕМУР АСФАНДИЯРОВИЧ

**НАНОТУЗИЛМАВИЙ КОМПОНЕНТЛИ ҚУЁШ
ФОТОЭЛЕМЕНТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of the doctor of philosophy (PhD) on
physical and mathematical sciences**

Джалалов Темур Асфандиярович

Нанотузилмавий компонентли қуёш фотоэлементлари
самарадорлигини ошириш механизмларини ишлаб чиқиш..... 3

Джалалов Темур Асфандиярович

Разработка механизмов повышения эффективности солнечных
фотоэлементов с наноструктурными компонентами 19

Djalalov Temur Asfandiyarovich

Development of mechanisms for increasing the efficiency of solar
photocells with nanostructural components 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 41

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДЖАЛАЛОВ ТЕМУР АСФАНДИЯРОВИЧ

**НАНОТУЗИЛМАВИЙ КОМПОНЕНТЛИ ҚУЁШ
ФОТОЭЛЕМЕНТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/FM45 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Физика-техника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг fti.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Имамов Эркин Зуннунович физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Мамадалимов Абдугафур Гишабаевич физика-математика фанлари доктори, академик Расулов Рустам Явкачович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (+99871) 235-42-91; e-mail: info.fti@uzsci.net Физика-техника институти мажлислар зали.)

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (4- рақам билан рўйхатга олинган.) Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй. Физика-техника институти. Тел./факс: (+99871) 235-42-91.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги 4- рақамли реестр баённомаси.)

С.А. Бахрамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ф.-м.ф.д., академик

А.В. Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., профессор

И.Г. Атабаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида муқобил энергетикани ривожлантиришда нанокиришмали қуёш элементларига катта аҳамият берилмоқда. Бу борада замонавий нанотехнология ютуқларидан фойдаланиб Қуёш элементларининг эффективлиги ва стабил ишлаш муддатини ошириш, нанокиришмаларнинг қуёш элементлари самарадорлигига таъсирини тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда нанокиришмали қуёш фотоэлементларининг самарадорлигини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада, мақсадли илмий тадқиқотларни жумладан, қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади: база соҳасига квант ўлчамли киришмалар киритилган қуёш элементларининг фотоэлектрик характеристикаларини оптималлаштириш, таглик сиртида нанотузилмаларни ўз-ўзидан шаклланиш шартларини аниқлаш, кўп сонли нанотузилмавий компонентли локал гетероўтишларнинг шаклланиш жараёнларини тадқиқ этиш, ток ташувчиларнинг йиғиш коэффициентини кўтариш мақсадида қуёш нурланишининг ютилиш спектрини кенгайтириш.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш. Бу борада жумладан, фотоэнергетика соҳасида қайта тикланадиган энергия – қуёшдан электр энергиясини олишга мўлжалланган тадқиқотлар ва уларнинг тежамкорлигини ошириш йўлларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида олинган илмий натижаларни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш, қуёш элементларининг самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган қўшимча механизмларни ишлаб чиқиш, қуёш энергетикасини ривожлантириш алоҳида эътиборга сазовор. Фототокни ҳосил қилишнинг янги механизмларини шакллантириш, ишлатилаётган материалларнинг таннархини тушириш ва стабил ишлаш даврини узайтиришга имкон берувчи омилларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ–2772 -сон «2017–2021 йилларда электротехника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг АТД-4: «Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш, нанотехнология, фотоника ва бошқа замонавий технологиялар асосида янги технологиялар ва қурилмалар ишлаб чиқиш» ҳамда ФТД-3 «Қайта тикланадиган энергия манбалари назарияси ва фойдаланиш усуллари»нинг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда фототок генерацияси усулларини ривожлантиришда АҚШ лик М.С. Beard ва унинг ҳамкасблари, В.Климов ҳамда Россиялик В.А.Гусев экспериментда мультиэкситон генерация ҳодисасини аниқлашган. Техасс технологик институти қошидаги нанотехнологиялар институти олимлари А.Захидов, Ю.Конюхов, И.Бурмистров ва бошқалар заряд ташувчилар ҳаракатчанлиги юқори бўлган углерод нанонайчаларидан иборат электродлар билан қопланган органик плёнкалар ва металлорганик перовскитларни янги каскад (тандем) тузилмага интеграллаш технологиясидан фойдаланиб, турли спектрал диапазондаги қуёш нуруни электр энергияга айлантириб берувчи, юқори эффективликдаги қурилма яратиш устида тадқиқотлар олиб боришмоқда.

АҚШнинг Лос Аламос шаҳридаги миллий лабораторияда R. Schaller, M. Sykora, J.Pietryga, В.Климов мультиэкситон генерация асосида ишлайдиган ва фойдали иш коэффиценти замонавий аналоглардан юқори бўлган янги авлод фотоэлементларини яратиш устида илмий иш олиб боришмоқда.

Ўтиш металлларини диффузия қилишнинг янги усули ёрдамида нанокластерларни бошқариш технологиясини яратган М.С. Бахадирхановнинг илмий мактаби кўп зарядли кластерларга эга кремнийдаги фотоэлектрик ҳодисаларни ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар олиб бормоқда. Б.Л. Оксенгендлер томонидан мультиэкситон генерациясининг статистик назарияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси илмий-тадқиқот давлат дастури доирасида А4-009: «Нанотузилмавий компонентли қуёш фотоэлементларининг самарадорлигини ошириш» (2012-2014 йй.), А-4-001: «Янги контакт тузилмаларга асосланган эффектив параметрли қуёш элементларини яратиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017йй.) мавзулари бўйича ҳамда АҚШнинг «Фуқаролар тадқиқотларини ривожлантириш фонди» лойихасида (U.S. Civilian Research & Development Foundation) CRDF FSAX-14-60115-0, «Қуёш элементларидаги контакт қатламларини таснифлаш ва оптимизациялаш» (11-апрель 2014 й.÷ 10 апрел 2016 й.) лойихалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади наноўлчамли компонентлар ёрдамида кремнийли қуёш фотоэлементларининг самарадорлигини ва кафолатли ишлаш муддатини ошириш механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кафолатли ишлаш муддатини оширувчи ва ишлатилувчи материалларнинг таннархини камайтиришга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

квант-ўлчовли эффектларнинг намоён бўлиши учун нанокомпонентлар чегаравий ўлчамларини аниқлаш;

нанотузилмаларнинг таглик сиртида ўз-ўзидан ўсиш шарт-шароитларини ўрганиш;

кўп сонли нанокомпонентли локал гетероўтишларнинг ҳосил бўлиш механизмларини тадқиқ этиш;

нанокомпонентли тузилмада қуёш нурланиши ютилиш спектрини кенгайтириш механизмларини излаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида нанокиритмали қуёш фотоэлементлари тузилмаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети нанокомпонентли қуёш элементларида фототокнинг шаклланиш механизмлари ва электрон-ковак генерациясидаги физик жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қўйилган масалани ечиш учун қаттиқ жисм физикаси ва яримўтказгичлар физикасининг математик аппарати ҳамда назарий ҳисоблаш ва нанотузилмаларда энергетик, электрон жараёнларини кузатиш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нанокомпонентли контакт тузилмани шакллантириш имконини берадиган кремний таглигининг хусусиятлари аниқланган;

доимий панжара орасидаги фарқ, механик кучланишлар ва температура режими билан боғлиқ бўлган таглик устида нанотузилмаларнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш шарт-шароитлари ишлаб чиқилган;

контактга кирувчи материалларнинг энергетик характеристикалари билан белгиланувчи нанокомпонентларнинг максимал ва минимал ўлчамлари оптималлаштирилган;

ёруғлик таъсирида вужудга келган электрон-ковак жуфтлигининг ажралишини таъминлайдиган бир ўлчамли, игнасимон электростатик майдон ҳосил қилувчи, наноўлчамли халкогенид-таглик тизимида гетероўтишни шаклланиш механизми аниқланган;

ишлаб чиқилган модель асосида кремний таглик ичидаги қисман компенсацияланган, назоратсиз чуқур киришмалар қуёш нурланишининг эффектив ютилиш спектрини кенгайтириши мумкинлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таглик сиртида текис тақсимланган ва бир хил ўлчамдаги нанотузилмалар ҳосил бўлиш шартлари, чуқур сатҳли киришмалар ҳисобига эффектив ютилиш спектрини кенгайтириш имкониятлари кўрсатилган;

кремнийли қуёш фотоэлементларига наноўлчамли компонентларни ўз ичига олган контакт тузилмани олишда ишлатиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги олинган натижалар ва хулосалар замонавий физика ва яримўтказгичлар техникаси ҳақидаги

қарашларга асосланган бўлиб, бошқа муаллифларнинг назарий ҳамда амалий тадқиқотлар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, у қуёш элементларида фототок шаклланишининг янги механизмларини тушунтиришга имкон беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган янги контакт тузилма ёрдамида қуёш элементларини соддароқ технология билан лойиҳалаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Наноўлчамли компонентлар ёрдамида кремнийли қуёш фотоэлементларининг самарадорлигини ва кафолатли ишлаш муддатини ошириш механизмларини назарий ишлаб чиқиш натижасида:

доимий панжара орасидаги фарқ, механик кучланишлар ва температура режими билан боғлиқ бўлган таглик устида нанотузилмаларнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш шарт-шароитлари янги турдаги қуёш элементларининг электр-оптик характеристикалари хусусиятларини аниқлашда ишлатилган (Карнегги Меллони университетининг 2017 йил 10 июлдаги маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш яримўтказгичли таглик сиртида наноқопламаларни ўстириш шароитларини оптималлаштириш имконини берган;

нано-гетеротузилмаларнинг шаклланиш жараёнлари, улардаги электр кучланганлик ва потенциални шаклланиши ОТМ-Ф2-62 «Кристалларда киришма-нуқсон турдаги микро- ва нанобирикмаларни ҳосил бўлиш механизмлари ва уларнинг кенг функционал имкониятли кўп қатламли тузилмалар яратишдаги ўрни» грантда нанотузилмаларнинг критик ўлчамларини аниқлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 21.07.2017 йилдаги ФТА-02-11/375-рақамли маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш микро- ва нанотузилмалардаги оптик ва электрофизик параметрларни аниқлаш методикасини шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 6 та ҳалқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш ва 1 та монография чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола нашр этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг матни 119 бетда келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объект ва пред-метлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қуёш элементлари самарадорлигини оширишнинг замонавий ҳолати ва тенденцияларини таҳлил қилиш»** деб номланган биринчи бобда келтирилган адабиётлар асосида қуёш энергетикаси соҳасидаги муаммо ва тенденциялар ўрганиб чиқилган. Ушбу бобда қуёш элементларининг самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ўрганилиб, қуёш элементлари эффективлигини ошириш ва таннархини туширишга қаратилган тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **«Янги контакт тузилмани ишлаб чиқиш ва назарий тадқиқ этиш»** деб номланган иккинчи бобидананокиритмалардан фойдаланиб, янги контакт тузилма яратиш имкониятлари ўрганиб чиқилган. Ушбу янги контакт тузилма аъъанавийр-п ўтишлар ва гетероўтишлардан тубдан фарқ қилади. Маълумки, аъъанавий р-п ўтиш икки ҳил ўтказувчанликка эга бўлган яримўтказгичлар орасидаги контактдир. Шу материалларнинг бир-бирига тегиб турган соҳасида Ферми сатҳларини тенглашувига олиб келадиган термодинамик жараён вужудга келади. Натижада, чегарада кучли электр майдонга эга бўлган ҳажмий заряд соҳаси ҳосил бўлади ва ушбу соҳа р-п ўтиш деб номланади.


Замонавий фотоэлементларнинг иш принципи яримўтказгичли р-п ўтишга асосланган. Мазкур ўтишга яқин соҳада ютилган ёруғлик нури электрон-ковак жуфтлигини ҳосил қилади, р-п ўтишнинг электростатик майдони ушбу жуфтликни ажратиб юборади ва мос электродларга йўналтиради.

Кремнийли фотоэлементларнинг самарадорлигини чегараловчи иккита асосий омил мавжуд. Биринчиси, кремнийнинг таъқиқланган соҳа кенглиги (хона ҳароратида $E_g=1,12\text{эВ}$), бундан кичик энергияли фотонлар электрон-ковак жуфтлигини ҳосил қилмайди.

Иккинчи омил – электрон-ковак жуфтлиги рекомбинациясининг кремнийли асос тозалигига боғлиқлиги. Ҳар қандай деффектлар, киришмалар, дислокациялар, чегаравий соҳалар ва бошқалар рекомбинацияли жараёнларни кучайтиради. Шу сабабли юқори самара олиш учун юқори тозаликдаги кремнийдан фойдаланилади, бундай кремний нисбатан қиммат ва ушбу ҳолат «қуёш энергияси» таннархининг ошишига сабаб бўлади. Диссертацияда ушбу иккита чегараловчи омилнинг таъсирини камайтиришга ёрдам берувчи имкониятлар тадқиқ қилинган. Ушбу

изланишлар кремний асосида нано ва макрокомпонентлар хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган тузилмани ишлаб чиқишга имкон берди.

Нархи монокристалл кремнийдан анча арзон бўлган табиий бирикмаларга бой нокристалл кремний сиртига нанотузилмаларни ўтказиш натижасида янги контакт тузилма яратиш мумкинлиги кўрсатиб берилган (1-расм). Ўз-ўзини шакллантириш жараёни натижасида материал сиртида тартибли жойлашган, тенг ўлчамлардаги нанотузилмаларнинг ҳосил бўлиши ва бунинг учун зарур бўлган баъзи шарт-шароитлар кўрсатиб берилган, бу натижалар эксперимент билан мос тушади¹. Ҳосил бўлган нанотузилмалар юқори кристаллик ҳамда бир жинсли идеал квант нуқта хусусиятларига эга бўлади.




1-расм.
Кремний сиртига ётқизилган нанотузилмалар

Ишлаб чиқилган модель бегона атомларнинг чуқур ва саёз энергияли киритмаларнинг тенг тақсимланишини талаб қилади. Нанотузилмаларнинг сирт концентрацияси кичик энергияли киритмалар атомларнинг сирт концентрациясига тенг қилиб танланади.

Нанотузилма асос сирти билан контактга келганда ушбу материалларнинг Ферми сатҳларини тенглаштиришга олиб келувчи термодинамик жараён бошланади. Айтиб ўтиш лозимки, нанокиритманинг энергетик сатҳлари дискрет, атомларга ўхшаш бўлади, кремнийли асос эса қаттиқ жисмга хос зонавий тузилмага эга.

Донор ва акцепторли киришмалар атомларининг концентрациялари тенг бўлганлиги сабабли кремнийнинг Ферми сатҳи қарийб ман этилган сатҳнинг ўртасида жойлашган бўлади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, махсус легирламасдан ҳам кремний асос таркибида хона температурасида фаоллашадиган киришмалар мавжуд бўлади.



а) Контактнинг шаклланиш жараёни

б) Шаклланган контакт

2-расм. Нанокиришма-таглик контактнинг шаклланиши

¹Леденцов Н.Н. ва б. ФТП, 32 (4) 385 (1998).

Нанотузилма билан кремнийли асос ўртасидаги термодинамик мувозанатлашув, айти шу термик ионлашган электронлар ҳисобига рўй беради (2-расм). Нанотузилмалар моддаси шундай танланадики, улардаги биринчи тўлмаган зона чуқурлиги кремнийдаги электроннинг чиқиш ишидан катта бўлсин. Бундай энергетик конфигурация натижасида кремнийдаги фаоллашган электронларни нанотузилмага оқиб ўтиш имконияти туғилади (4-расм).

Юқоридаги жараён натижасида янги контакт тузилмада ҳажмий заряд соҳасини шаклланирувчи зарядланган атомлар занжири ҳосил бўлади. Кўндаланг кесимда буни ўзаро параллел текис зарядланган текисликлар кетма-кетлиги сифатида тасвирласа бўлади (5-расм), бу ерда b – зарядланган атомлар орасидаги ўртача масофа, d – зарядланган атомлар тизими таъсирида шаклланган ҳажмий заряд соҳаси.

Янги контакт тузилманинг ноёб хоссалари:

- ҳар битта нанотузилма ортида ҳажмий заряд соҳасини ҳосил қилувчи зарядланган атомлар занжири вужудга келади;

- ҳажмий заряд соҳаси анъанавий p-n ўтишниқига нисбатан анча катта бўлиб, қарийб бутун ютилиш соҳасини қамраб олади;

- ёруғлик ҳажмий заряд соҳасида кремний ичида рўй беради, нанокиришмалар шу соҳани вужудга келишига сабабчи бўлади;

- ёруғлик таъсирида вужудга келган электрон-ковак жуфтликлар ҳажмий заряд соҳасида пайдо бўлгани сабабли, улар майдон томонидан дарров бири-бирдан ажратилади, ушбу ҳолат рекомбинация жараёнларининг сусайишига олиб келади;

- чуқур энергетик сатҳли киритмалар эффектив ютилувчи спектрни узун тўлқин узунлиги томон кенгайтиришга имкон беради.

Диссертациянинг «**Янги контакт тузилманинг асосий параметрларини аниқлаш**» деб номланувчи учинчи бобида янги контакт тузилманинг ҳажмий заряд соҳасининг узунлиги, ўзига хос электростатик майдон хусусиятлари, унинг потенциали ва кучланганлиги каби асосий параметрлари аниқланган.

Янги контакт тузилманинг узунлиги иккита параметр билан белгиланади: нанотузилманинг электр сиғими ва кичик киришмалар орасидаги ўртача масофа. Нанотузилманинг электр сиғими унинг ўлчамига ва диэлектрик сингдирувчанлигига тўғри пропорционал $C \sim \epsilon R$, шу сабабдан юқори диэлектрик хусусиятларга эга материаллар, масалан, қўрғошин халкогенидларидан фойдаланиш тавсия этилади. Масалан, қўрғошин селениди ва сульфиди мос равишда $\epsilon_{\text{PbSe}} = 250$ и $\epsilon_{\text{PbS}} = 175$.

Нанотузилманинг минимал ўлчами унинг энергетик потенциал ўрасида ҳеч бўлмаса битта энергетик сатҳ бўлиш шартидан аниқланади.

Ушбу шарт бажарилиши учун кремний билан сферик квант нуқтадаги кенглиги R_{min} бўлган туғри тўртбурчакли квант ўрада электрон (m_e эффектив массали) учун биринчи сатҳ ΔE_1 , ушбу моддалар энергиялари орасидаги узилиш ΔE_C дан кичик бўлиши лозим:

$$\Delta E_C \geq \Delta E_1 = \frac{\hbar^2}{2 \cdot m_e} \cdot \left(\frac{\pi}{R_{min}} \right)^2 \quad (1)$$

Баҳолаш учун ΔE_C қийматини 0,3÷0,5 эВ деб олсак, нанокластернинг минимал ўлчами 3 ÷ 5 нм дан кичик бўлмаслиги лозим эканлиги келиб чиқади.

Нанокиритманинг энг катта ўлчами энергетик сатҳларнинг иссиқлик кенгайиши (кТ га боғлиқ) билан энергетик сатҳлар орасидаги масофадан кичик бўлиши кераклиги шартдан аниқланади. Акс ҳолда электронлар юқори энергетик сатҳларга ўтиб кетадилар. Ушбу шартни қуйидаги кўринишда тасвирласак бўлади:

$$kT \leq \frac{E_2 - E_1}{z} \quad (2)$$

бу ерда E_1 ва E_2 мос ҳолда нанокластердаги охириги тўлган ва биринчи тўлмаган сатҳлар энергиялари. Нанокластернинг эффектив массасасига қараб ҳисобланиб аниқланган ўлчами 20÷35 нм катталигида бўлади.

Демак, реал, ўз-ўзидан шаклланувчи нанотузилмаларнинг ўлчамлари **(3 ÷ 5)нм ≤ R ≤ (20 ÷ 35)нм**

Шарнинг электр сиғими:

$$C = 4\pi\epsilon_0\epsilon R \quad (3)$$

Нисбий диэлектрик сингдирувчанлик **175 ≤ ε ≤ 250** ва нанокластер ўлчами **3нм ≤ R ≤ 35 нм** бўлганида сферик нанокластернинг электр сиғими қуйидаги ораликда бўлади.

$$6 \cdot 10^{-17} \Phi \leq C \leq 100 \cdot 10^{-17} \Phi.$$

Кремний асосдан нанокластерга оқиб ўтган заряд миқдорини қуйидаги муносабатдан аниқлаш мумкин:

$$q = C \cdot \Delta\varphi \quad (4)$$

бу ерда $\Delta\varphi$ нанокластер ва асос материали орасидаги потенциаллар фарқи. Баҳолаш мақсадида $\Delta\varphi = 0,5 \text{ В}$ деб олсак, оқиб ўтган заряд миқдори:

$$6 \cdot 10^{-17} \text{ Кл} \leq q \leq 100 \cdot 10^{-17} \text{ Кл}$$

Кремний асосдан нанокластерга оқиб ўтган электронларнинг сони қуйидагича аниқланади:

$$N = \frac{q}{e} \quad (5)$$

бу ерда e - электрон заряди. Ушбу муносабатлардан:

$$10^2 \leq N \leq 10^3$$

Термодинамик мувозанат ҳолати ўрнатилиши оқибатида асосдан ҳар бир нанокиритмага бир неча юз электрон оқиб ўтади, бунинг натижасида зарядланган донор атомларининг узун занжири ҳосил бўлади, айти шу атомлар ҳажмий заряд соҳасини ҳосил қиладилар.

Одатда кремнийдаги қолдиқ саёз киришмалар концентрацияси $n_D = 10^{12} - 10^{15} \text{ см}^{-3}$. Ушбу атомлар орасидаги ўртачамасофа бир микрон атрофида бўлади:

$$b = \sqrt[3]{n_D} \sim 10^{-6} \div 10^{-7} \text{ м} \quad (6)$$

Янги контакт тузилмадаги ҳажмий заряд соҳасининг бўйлама ўлчамлари бир неча ўн микронни ташкил қилади:

$$d = N \cdot b \sim 10 \div 100 \text{ мкм} \quad (7)$$

Ушбу катталик анъанавий p-n ўтишлардаги ҳажмий заряд соҳасидан анча катта бўлиб, қуйидаги афзалликларга эга:

- ушбу масофада қуёш нурланиши спектрининг қарийб ҳаммаси ютилади;

- фотон ютилиши натижасида ҳосил бўлган электрон-ковак жуфтликлари ҳажмий заряд соҳасида вужудга келиб шу заҳотиёк майдон томонидан электрон ва ковакка ажратилади ҳамда мос электронларга йўналтирилади. Бу рекомбинацияли жараёнларнинг салбий таъсирини бартараф этишга имкон беради.

Янги контакт тузилманинг кучланганлиги параллел зарядланган текисликлар ҳақидаги тасаввурлар асосида аниқланган (3-расм).

Электростатик майдон кучланганлигини $E(x)$ аниқлаш учун Гаусс теоремасидан фойдаланамиз. Ҳажмий заряд соҳаси бир қатор зарядланган текисликлар кетма-кетлигидан иборат деб қаралади. Нанокиритмалар жойлашган сирт заряд зичлиги σ_N^- , ҳар бир кейинги сиртнинг заряд зичлиги σ^+ бўлади.

Ёритилувчи сирт устига ўрнашган нанотузилма асос ичидан N та электрон олгани туфайли, бу сиртдаги заряд зичлиги

$$\sigma_N = \frac{N e^-}{L^2} = e^- N n_D^{2/3} \quad (8)$$

ионлашган донорлар томонидан ҳосил қилинган сиртларнинг заряд зичлиги қуйидагига тенг:


$$\sigma = \frac{e^+}{L^2} = e^+ n_D^{2/3}, \quad (9)$$

3-расмда зарядланган сиртлар ўртасида электростатик майдон шаклланиш схемаси кўрсатилган.


N ва d ларни маълум деб ҳисоблаб, Гаусс теоремаси асосида электростатик майдон кучланганлиги $E_k(x)$ ни ҳар бир текисликлараро фазодаги координатага боғлиқ муносабатини аниқлаймиз. Бу муносабат қуйидаги кўринишга эга:

$$E_k(x) = - \left(\frac{\gamma}{b} \right) \cdot (N - [x_k]) \quad (10)$$

бу ерда $\gamma = \frac{4 \cdot \pi \cdot \kappa \cdot \epsilon^+}{\epsilon_{Si} \cdot b}$, $\kappa = \frac{1}{4 \cdot \pi \cdot \epsilon_0}$, ϵ_0 – диэлектрик доимий, ϵ_{Si} – ва ϵ_N - мос ҳолда кремний ва нанокиритманинг диэлектрик сингдирувчанлиги, $[x_k]$ – x -координатанинг бутун қисми бўлиб $b \cdot k$ га тенг ($0 \leq k \leq N$).



а) Ҳар бир k -сиртлар ($0 \leq k \leq 3$) орасида электростатик майдоннинг шаклланиш схемаси ($N=4$ бўлганда)



б) Ҳар бир нанотузилма ортида ҳосил бўлувчи игнасимон ҳажмий заряд соҳаси

3-расм. Ҳажмий заряд соҳасининг шаклланиши


Ушбу муносабат қуйидаги чегаравий шартлар асосида суперпозиция принципи ёрдамида олинган:

$$\text{соҳа охирида } (x = xN = d) \rightarrow EN(x = xN = d) = 0$$


$$\text{соҳа бошида } (x = 0) \rightarrow E0(x = 0) = E0 = - \gamma \cdot N/b.$$

$$E_0 = \frac{-\gamma \cdot N}{b} \text{ – электростатик майдоннинг максимал қиймати.}$$

Электростатик майдон кучланганлиги $E_k(x)$ ни координатага боғланиши ва кучланганлик куч чизикларининг шакли 4-расмда тасвирланган.



а) Электростатик майдон кучланганлиги ўзгариши



б) Электростатик майдон куч чизикларининг кўндаланг кесими

4-расм. Янги контакт тузилмадаги электростатик майдон

Танланган модель асосида ҳажмий заряд соҳасидаги кучланганлик ўзгариши ҳақида қуйидаги хулосалар қилиш мумкин:

- ҳар бир текислик орасидаги майдон кучланганлиги ўзгармасдир;
- майдон кучланганлиги кремний асос ичидан нанотузилма томон йўналган;

$-E_k(x)$ майдони дискрет, ҳар бир янги текисликлар орасидаги соҳага ўтганда майдон γ/b қийматга сакраб ўзгарадигана гетероўтишнинг охирида нолга тенг бўлади.

Янги контакт тузилманинг ҳажмий заряд соҳасида потенциал тақсимланиши Пуассон тенгламаси ёрдамида аниқланади. Ушбу соҳа текис зарядланган пераллел текисликлар мажмуаси деб каралади. Текисликлар орасидаги фазода электростатик потенциали $\varphi_k(x)$ ни аниқлаш учун кучланганлик $E_k(x)$ ифодасидан ҳосила олиш керак x_k дан x ($0 \leq k \leq N$) гача:

$$E_k(x) = - \frac{d\varphi_k(x)}{dx} \quad \text{ёки} \quad \varphi_k(x) = - \int_{x_k}^x E_k(x) dx \quad (11)$$

Потенциални аниқлаш қарётган моделнинг хусусиятларидан келиб чиқади:

ҳажмий заряд соҳасининг бошида, ёритилаётган сиртда потенциал $\varphi_k(x=0)$ максимал қийматга эга, яъни ўзининг термодинамик қиймати φ_0 га, ҳажмий заряд соҳасининг охирида $x = d$ бўлганда потенциал нолга тенг.

Ушбу чегаравий шартлардан келиб чиқиб ҳажмий заряд соҳасидаги потенциалнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланади:

- k – текисликлараро фазодаги потенциал:

$$\varphi_k(x) = \varphi_{k-1} - (\gamma/b) \cdot (N+1-k) \cdot [x_k]^k, \quad (12)$$

- k – текислик чегарасидаги потенциал $\varphi_k = \varphi_k(x=k \cdot b)$:


$$\varphi_k = \varphi_0 - \gamma \cdot \sum_{i=1}^k (N+1-i) i = \varphi_0 - \gamma \cdot k \cdot (k+1) \cdot (3 \cdot N + 2 - 2 \cdot k) / 6 \quad (13)$$

- ёритилаётган сирт потенциали :

$$\varphi_0 = \gamma \cdot N \cdot (N+1) \cdot (N+2) / 6 \quad (14)$$

Бутун соҳа бўйлаб потенциал ўзгариши квадрат қонуниятига ўхшаса-да, кетма-кет жойлашган k та зарядланган текисликлардаги потенциалнинг координатага боғлиқлиги чизиклидир.


Диссертациянинг «**Янги контакт тузилмадаги фотовольтик ўзгартириш ва заряд ташувчилар транспортини ўрганиш**» деб номланган тўртинчи бобида чуқур аралашмали ҳолатлар кўриб чиқилган. Чуқур аралашмалар концентрацияси 10^{20} - 10^{21} см^{-3} (99,9%) бўлганда, улар орасидаги масофа 1-10нм бўлади. 5-расмда ман этилган зонадаги электрон ҳолатлари тасвирланган (локал ҳолатлар штрихланган), F – Ферми сатҳи. Чуқур аралашма ҳолатлари акцептор ва донор табиатли бўлиши мумкин. Аммо зичликнинг тақсимланишидаги флуктуациялар, битта турдаги киритмалар компенсацияланмай қолганлигига сабаб бўлади. Масалан, донор аралашмаларнинг бир қисми компенсацияланмай қолган бўлиши мумкин.



5-расм. Электрон ҳолатлар зичлигининг энергия бўйлаб, таъқиқланган зонада тақсимланиши.

Натижада таъқиқланган соҳада бир қатор чуқур донор сатҳлар вужудга келади, уларни активлаштириш учун кремний фундаментал ютилиши энергиясидан камроқ бўлган энергия керак бўлади. Бошқача қилиб айтганда, чуқур аралашмалар мавжудлиги янги контакт тузилмада эффектив ютилиш спектри кенгайишига имкон беради.

Фотон томонидан аралашма атомидан уйғотилган электрон, зарядланган саёз донор аралашмалар ҳосил қилган узун зарядланган занжирнинг майдони



1- монокристалл кремнийли фотозаэлементда, 2- экспериментал фотозаэлементда..

6-расм. Фототокнинг тушаётган тўлқин узунлиги (энергияси) билан боғлиқлиги

таъсирида электрод томонига жўнатади. Вужудга келган ковакнинг транспорти аралашмаларнинг бундай концентрациясига хос бўлган қатламли ўтказувчанлик ҳисобига рўй беради. Таклиф этилаётган моделнинг экспериментал тасдиқлари ҳам бор. Кўп аралашмали кремний сиртини жуда кўп бўлақларга бўлиб амалга оширилган фотозаэлементнинг самарадорлиги монокристалл аналогларга нисбатан яхши кўрсаткичларга эга² (6-расм). 6-расмнинг 1 участкасида қатламли ўтказувчанликка хос боғланиш кузатилади, графикнинг II участкасида эса резонансга хос бўлган ўсиш кузатилади. Қатламли ўтишга

кўшимча равишда туннель ўтиш ҳам кўшилганида резонанс содир бўлади. Ушбу тажриба чуқур аралашмалар активацияси ёрдамида эффектив ютилиш спектрини кенгайтириш мумкинлигини кўрсатади.

Шу бобда янги контакт тузилма асосидаги қуёш панелининг фотозаэлектрик параметрлари аниқланган кремний сиртига ўтказилган нанотузилмалардан иборат қуёш элементи макети келтирилган. Қуёш панели талаб этилаётган электр параметрларга қараб ўзаро кетма-кет ва параллел уланган қуёш элементларининг мажмуасидир.

Наноўлчамли p-n ўтишнинг оптимал параметрларини миқдорий баҳолаш учун қуйидаги белгилашларни киритамиз: i_o – фототок, ϕ_o – контакт потенциаллар фарқи ва $p_o (p_o = i_o \cdot \phi_o)$ – ишлаб чиқиладиган қувват. Ушбу параметрлар яримўтказгичли асос ва нанокластер параметрларига боғлиқ.

Қуёш элементи сиртининг юзаси $s (s = k \cdot l)$, узунлиги k ва кенлиги l , нанотузилмалар орасидаги ўртача масофа b , наноўлчамли p-n ўтишлар сони $v = k \cdot l / b^2$.

v та параллел уланган «наноўлчамли p-n ўтишларнинг» умумий фототоки:

$$i = v \cdot i_o = (k \cdot l / b^2) \cdot i_o \quad (15)$$

ишлаб чиқилувчи қувват қуйидагига тенг:

$$p = i \cdot \phi_o = v \cdot i_o \cdot \phi_o = (k \cdot l / b^2) \cdot \phi_o \cdot i_o = (k \cdot l / b^2) \cdot p_o = v \cdot p_o \quad (16)$$

²Цой Б. Способ изготовления пучкового перехода, пучковый преобразователь электромагнитного излучения/ №WO 2011/040838 A2. Патент во всемирной организации интеллектуальной собственности. 07.04.2011

Қуёш панелининг юзаси S ($S = K \cdot L$), узунлиги K ва кенглиги L (14а-расм), Φ_o —чиқиш кучланиши, I — ток кучи.

Қуёш панели бўйлаб кетма-кет равишда K/k дона қуёш элементлари уланган, уларнинг умумий кучланиши:

$$\Phi_o = \varphi_o \cdot K/k, \quad (17)$$

кенглиги бўйича бу қаторлар параллел уланган умумий токи:

$$I = i \cdot L/l. \quad (18)$$

Қуёш панелининг умумий қуввати қуйидагича аниқланади:

$$P = I \cdot \Phi_o = \varphi_o \cdot (K/k) \cdot i \cdot (L/l) = \varphi_o \cdot (K/k) \cdot (k \cdot l/b^2) \cdot i_o \cdot (L/l) = p_o \cdot (K \cdot L)/b^2 = P \quad (19)$$

17-19 формулалар қуёш панели эффектив ишлаши учун оптимал параметрларни аниқлашга ва «наноўлчамли р-п ўтишларнинг» муҳим ролини кўрсатиб беради.

ХУЛОСА

Нанотузилмавий компонентли қуёш элементлари самарадорлигини ошириш механизмларини тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Нанокластерларни ўз-ўзини ташкиллаштириш фундаментал тамойили асосида когерент, текис тақсимланган ва бир хил ўлчамдаги нанокластерларни кремний асосга жойлаштириш имконияти очиб берилган.

2. Контактга киришувчи моддалар орасида термодинамик мувозанат ўрнатилиши натижасида саёз аралашма электронларини кремнийли тагликдан нанозаррачага оқиб ўтиши асослаб берилган.

3. Оқиб ўтувчи электронлар миқдорининг моддага ва нанозаррача ўлчамига боғлиқлиги аниқланган.

4. Нанокластерга оқиб кирувчи электронлар сони ва кремний асосдаги ҳажмий заряд соҳасининг узунлиги орасидаги боғланиш топилган.

5. Энергетик ҳолатлар ҳақидаги тасаввурлар асосида нанотузилмаларнинг максимал ва минимал ўлчамлари кўрсатиб берилган.

6. Янги контакт тузилманинг анъанавий р-п ўтишлардан принципиал фарқли томонлари кўрсатилиб хусусан янги тузилмада ажратувчи майдон таглик сиртидан бошланиб ичкарига йўналганлиги топилган.

7. Ёруғликни эффектив ютилиш спектрини кенгайтиришда чуқур сатҳли аралашмаларнинг роли кўрсатилган.

8. Кремний тагликдаги дефектлар ва чуқур аралашмаларнинг, ман этилган зона кенглигини камайтириши ҳисобига, ютилишнинг эффектив спектрини кенгайтиришдаги роли кўрсатилган.

9. Янги контакт тузилмага асосланган қуёш панели ва одатий монокристалл қуёш панелларинининг самарадорлиги миқдорий солиштирилган.

10. Назарий ишлаб чиқилган янги контакт тузилма, модернизацияланган техник кремнийдан, фойдали иш коэффициенти монокристаллдан қолишмайдиган арзон қуёш элементларини яратиш имконияти кўрсатилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФИЗИКО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ,
ИНСТИТУТЕ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ,
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ФИЗИКО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ДЖАЛАЛОВ ТЕМУР АСФАНДИЯРОВИЧ

**РАЗРАБОТКА МЕХАНИЗМОВ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ
СОЛНЕЧНЫХ ФОТОЭЛЕМЕНТОВ С НАНОСТРУКТУРНЫМИ
КОМПОНЕНТАМИ**

01.04.10 – Физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан, за № В2017.2.PhD/FM45.

Диссертация выполнена в Физико-техническом институте АН РУз.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский) размещен на веб-странице по адресу fti.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Имамов Эркин Зуннунович**
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мамадалимов Абдугафур Тишабаевич**
доктор физико-математических наук, академик

Расулов Рустам Явкачович
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация: **Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.FM./T.34.01 при Физико-техническом институте. Адрес: 100084, г.Ташкент, ул.Бодомзор йули, дом 2б. Административное здание Физико-технического института, зал конференций. Тел./Факс: (+99871) 235–30–41; e-mail: info.fti@uzsci.net.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Физико-технического института (зарегистрирована за № 4). Адрес: 100084, г.Ташкент, ул.Бодомзор йули, дом 2б. Административное здание Физико-технического института, зал конференций. Тел./Факс: (+99871) 235–42–91.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 г.
(протокол рассылки № 4 от «__» _____ 2018 г.)

С.А. Бахрамов
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., академик

А.В. Каримов
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор

И.Г. Атабаев
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современном мире в интенсивно развивающемся направлении возобновляемых источников энергии одной из важных проблем является повышение эффективности преобразования солнечной энергии, поиск новых материалов и более простых в изготовлении и дешевых конструкций, которые позволили бы повысить эффективность преобразования солнечного излучения. В этом аспекте расширение класса солнечных элементов основанных на новых физических принципах и механизмах функционирования является одной из важнейших задач.

В настоящее время разработка дополнительных механизмов повышения эффективности солнечных фотоэлементов имеет важное значение в преобразовании солнечной энергии. В этом аспекте привлечение новых механизмов формирования фототока, определение факторов обеспечивающих гарантированный срок службы и снижение себестоимости используемых материалов; определение граничных размеров наноконструкций для проявления квантово размерных эффектов; выяснение условий самоорганизованного роста наноструктур на поверхности подложки; исследование механизма возникновения множества локальных гетеропереходов с наноструктурными компонентами; поиск механизмов расширения спектра поглощения солнечного излучения структуры с наноконструкциями.

По Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан обращается особое внимание вопросам создания механизмов применения в практику достижений науки и инновации. В том числе определение возможностей управления электронными процессами, происходящими в наноконструктивных структурах считается одним из важных задач. В год поддержки инновационных идей и технологий, активного предпринимателя поднятие на современный уровень полученных научных результатов достоин особого внимания. В нашей Республике внимание ученых обращено в большей степени исследованию комбинированных фотоэлектрических батарей, в которых наряду с преобразованием солнечной энергии предусматривается использование выделяемого тепла. В этом направлении ведутся работы по разработке новых конструкций фотоэнергетических установок, достигнуты определенные успехи в повышении коэффициента собирания носителей фотопреобразовательных структурах за счет введения нановключений в активную зону солнечного элемента.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан №-УП-4947 «О мерах по дальнейшей реализации Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» от 7 февраля 2017 года и №-ПП-1442 «О приоритетных направлениях развития индустрии Республики Узбекистан на 2011-2015 гг.» от 15 декабря 2010 года и №-ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организаций, управления и финансирования научно-

исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан – ППИ-4: «Развитие методов использования возобновляемых источников энергии, создание технологий и устройств на основе нанотехнологий, фотоники и других передовых технологий» и ПФИ-3: «Теория и методы использования возобновляемых источников энергии».

Степень изученности проблемы. На сегодняшний день развитию методов генерации фототока определенным вклад внесли ученые из США М.С.Beard с коллегами, а также В.Климов, В.А.Гусев из России, которые на эксперименте реализовали мультиэкситонную генерацию носителей. Учёные из института нанотехнологий при Техасском технологическом институте: А.Захидов, Ю.Конюхов, И.Бурмистров и другие проводят исследования направленные на разработку высокоэффективного устройства преобразования различных спектральных диапазонов солнечного света, с использованием органических пленок, покрытых электродами из углеродных нанотрубок с высокой подвижностью носителей заряда и технологии интеграции металлорганических перовскитов в новую каскадную (тандемную) структуру.

Статистическая теория возникновения явления мультиэкситонной генерации разработана нашим соотечественником Б.Оксенгандлером. Учёные Лос Аламовской национальной лаборатории R.Schaller, M.Sykora, J.Pietryga, В.Климов и др. создали новое поколение фотопреобразователей на основе мультиэкситонной генерации. Эта группа учёных активно работает над созданием солнечных элементов с КПД превышающим многие современные аналоги на основе мультиэкситонной генерации (МЭГ). Большой интерес вызывают исследования научной школы М.С.Бахадирханова, которые создали технологию получения и управления нанокластерами, с помощью разработанного нового способа диффузии переходных металлов. Они также ведут работы направленные на исследования фотоэлектрических явлений в кремнии с многозарядными нанокластерами.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана Государственной программы научно исследовательских работ РУз по темам: № А4-009 «Разработка научных основ повышения эффективности солнечных фотоэлементов (СФЭ) с наноструктурными компонентами» (2012–2014), проекта А-4-001 «Разработка технологии создания солнечных элементов с эффективными параметрами на основе новых контактных структур» (2015–2017), а также проекта Фонда гражданских исследований и развития США (U.S. Civilian Research & Development Foundation) CRDF FSAX-14-60115-0 на тему «Характеристика и

оптимизация контактных слоев в солнечных элементах» (11 апреля 2014 – 10 апреля 2016).

Целью исследования является разработка механизмов повышения эффективности и надежной работы кремниевых солнечных элементов с наноструктурными компонентами.

Задачи исследования:

определение факторов обеспечивающих гарантированный срок службы и снижение себестоимости используемых материалов;

определение граничных размеров наноконпонентов для проявления квантово размерных эффектов;

выяснение условий самоорганизованного роста наноструктур на поверхности подложки;

исследование механизма возникновения множества локальных гетеропереходов с наноструктурными компонентами;

поиск механизмов расширения спектра поглощения солнечного излучения структуры с наноконпонентами.

Объектом исследования являются структуры солнечных фотоэлементов с нановключениями.

Предметом исследования являются механизмы формирования фототока и физические процессы при генерации электронно-дырочных пар в солнечных элементах с наноструктурными компонентами.

Методы исследования. Для решения поставленных задач в работе были использованы математические методы теоретических расчетов и моделирования энергетических и электронных процессов в полупроводниковых фотопреобразовательных структурах, в том числе с нановключениями.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

определены характеристические свойства кремниевой подложки дающие возможность реализации предложенного механизма формирования контактной структуры с наноконпонентами;

определены максимальные и минимальные размеры наноконпонента, обусловленных энергетическими характеристиками контактирующих материалов;

определен механизм формирования гетероперехода, который включает в себя переход (наноразмерная халкогенидная точка – подложка), образующий одномерное иглообразное специфическое электростатическое поле обеспечивающее разделение фотовозбужденных электронно-дырочных пар;

на основе разработанной модели показано, что неконтролируемые частично компенсированные глубокие примеси, имеющиеся в кремниевой подложке, приводят к расширению спектра эффективного поглощения солнечного излучения в длинноволновую область.

Практические результаты исследования заключаются в следующем:

условия создания одномерных нановключений с глубокими уровнями и их равномерное распределение позволят расширить коэффициент поглощения структур;

предложенная новая контактная структура может быть использована при производстве кремниевых фотоэлементов с нановключениями.

Достоверность результатов исследований и выводов основывается на физических представлениях, теоретических и экспериментальных данных, подтверждённых применением современных научных методов и результатами других авторов, а также их соответствием современным понятиям физики и техники полупроводников.

Научная и практическая значимость результатов исследования.

Научная значимость результатов исследований заключается в том, что они позволяют объяснить новые механизмы формирования фототока в солнечных элементах.

Практическая ценность работы состоит в том, что разработанная модель новой контактной структуры может быть использована при конструировании солнечных элементов с более простой технологией.

Внедрение результатов исследования. Результаты исследований полученные в диссертации по теоретической разработке механизмов повышения эффективности кремниевых солнечных элементов на основе применения в них наноразмерных компонентов использованы:

для изучения физических и электрооптических характеристик нанотрубок, а также определения свойств нового типа полупроводниковых контактных структур при выполнении исследований направленных на создание прозрачных токосъемных покрытий на основе нанотрубок (Справка университета Карнеги Меллони от 10 июля 2017 года); использование полученных научных результатов позволило оптимизировать условия роста нанопокровов на поверхности полупроводниковой подложки;

при выполнении фундаментального проекта: «Механизмы возникновения примесно-дефектных микро- и наносоединений в кристаллах и их роль в создании широкофункциональных, многослойных структур» ОТМ-Ф2-62 (Справка ФТА-02-11/375 Агентства науки и технологий Республики Узбекистан от 21 июля 2017 года), использование научных результатов позволило объяснить условия возникновения наногетероструктур, выбрать методы определения напряжённости и потенциала электрического поля в них, а также методику определения оптических и электрофизических параметров в микро- и нановключениях.

Апробация результатов исследования. Основные результаты диссертационной работы доложены и обсуждены на 6 международных и 9 республиканских научно-практических конференциях.

